Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 17 МАРТ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (12.876)

Баҳоси эркин нархда

ҲИНДИСТОНЛИК ЭКСПЕРТЛАР:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЮКСАК ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ МАВЖУД»

Яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ҳиндистон жамоатчилиги томонидан диққат билан кузатиб борилмоқда.

Хусусан, **«Ҳиндистон-МДҲ» савдо-саноат палатаси бош котиби Жйотсна Дюбе Чоудхури хоним** «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига қуйидаги фикр-мулоҳазаларини баён қилди:

— Ўзбекистон истиқлол йиллари давомида фаол ривожланаётган саноатлашган давлатга айланди. Энергетика, автомобилсозлик, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм ва бошқа соҳалар жадал ривожланди, мамлакатнинг экспорт имкониятлари ва йўналишлари кенгайди.

Мен ҳар гал юртингизга ташриф буюрганимда кўплаб ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Мисол тариқасида янги қурилган муҳташам иншоотлар, кўчалар ва кўприклар, мактаб ва санъат биноларини келтириш мумкин.

Фикримча, 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Президенти сайлови мамлакатингизнинг янада тараққий топиши йўлидаги навбатдаги босқичдир.

«Political Events» журнали сиёсий шарҳловчиси Мохан Кришен Дхар:

— Мен ўтган йили юртингизда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этдим ҳамда пойтахтдан узоқда жойлашган бир неча ҳудудларда овоз бериш жараёнини бевосита кузатдим. Шу билан бирга, кўплаб сайловчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларга муносабати ижобий эканлиги ҳамда фуқароларнинг порлоқ келажакка бўлган ишончининг кучлилигига амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Маънавият ва маърифат марказида тарбиявий ишлар ва шахсий таркибни маънавий-руҳий тайёрлаш самарадорлигини ошириш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Тадбир ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонларининг ва олий ҳарбий-таълим муассасалари бошлиқларининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарлари, ҳарбий қисм командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари учун ташкил қилинди.

Семинарда бугунги кунда мамлакатимиз Қуролли Кучлари салоҳиятини юксалтириш ҳарбий кадрлар олдига профессионал, маънавий-жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича янги талаблар қўяётгани таъкидланди. Бу борада тарбиявий ишлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, чегара ва ички қўшинларида ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, миллий армиямизда ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлаш ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбирда ҳарбий хизматчиларнинг мамлакатимиз тарихи бўйича билими ва маънавиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Негаки, бугунги глобаллашув шароитида миллий ғоя асосида уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш зарур. Семинар қатнашчилари ёшларни миллий қадриятларимизга ёт ғоя ва мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий қисм ҳамда муассасаларда миллий ғояни тарғиб қилиш ва маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини оширишга доир ишларнинг муҳим жиҳатларини муҳокама қилди.

– Ватанпарварлик руҳида тарбиялашни тизимлаштириш ҳарбий хизматчини тайёрлашнинг муҳим шартларидан биридир, – дейди подполковник Л.Одилов. – Ҳарбийларимизнинг юзага келиши мумкин бўлган ахборот ва психологик таъсирга нечоғли маънавий тайёргарлиги ва бардошлилиги уларнинг ватанпарварлигига боғлиқдир. Шунинг учун бундай ишлар билан психология ва социология соҳасида пухта билимга эга, ўз устида доимий ишлайдиган юқори малакали мутахассислар шуғулланмоқда.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК — ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

14 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда парламентнинг қуйи палатасида Демократик кучлар блокини тузиш масаласи муҳокама этилди.

Мажлис иштирокчилари таъкидладиларки, мамлакатни демократик модернизация қилиш жараёнида ҳокимият бўлинишининг ва халқ ҳокимиятчилигининг конституциявий принциплари асосида замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган парламент тизимини шакллантириш, давлат ҳокимияти органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг роли ва ўрнини ошириш, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмларини шакллантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистонда парламентаризмни ривожлантиришда 2010 йил ноябрда парламент томонидан қабул қилинган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси, шунингдек, 2010-2014 йилларда ушбу Концепция асосида амалга оширилган конституциявий ва қонунчилик ислоҳотлари муҳим аҳамиятга эга.

Конституцияни ривожлантириш тарихида илк маротаба мамлакатимизнинг Асосий Қонунида парламент ва жамоатчилик назорати институти, уларни амалга ошириш механизмлари мустаҳкамлаб қўйилди. Шубҳасиз, сиёсий партиялар етуклигининг тобора юксалиб бораётгани, улар фракцияларининг Қонунчилик палатасидаги самарали фаолияти, шунингдек, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти савияси мазкур конституциявий ислоҳотларнинг энг муҳим пойдевори, уларни рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи шарти бўлди.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

16 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ушбу фракциянинг парламент кўпчилигини ташкил этган Демократик кучлар блокига нисбатан нуқтаи-назари муҳокама этилди.

Мажлисда таъкидландики, Ўзбекистон ХДП сайлов якунларига кўра Қонунчилик палатасида муносиб ўрин эгаллаб, ўз фракциясини шакллантирган ҳолда, дастурий мақсадлари ва партиядан кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаган сайловчиларнинг манфаатларини изчил илгари суриш учун зарур имкониятга эга бўлди.

Йиғилиш иштирокчилари партия сайловолди платформасида белгиланган ғоялар ва вазифаларни янада илгари суриш масалаларини батафсил муҳокама этдилар ва парламентда кўпчиликни ташкил қилувчи Демократик кучлар блокига бирлашганлигини эълон қилган парламентдаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қарори хусусида Ўзбекистон ХДП фракциясининг нуқтаи-назарини ишлаб чиқдилар.

Шу билан бирга, алоҳида таъкидландики, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ҳукумат Ҳаракат дастурида кўзда тутилаётган қатор муҳим иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал қилиш йўллари ҳақида сайловолди дастурида ўз нуқтаи назарини ифодалаган.

Шу муносабат билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 25[1]-моддасига амал қилган ҳолда, мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясини парламентда кўпчиликни ташкил этаётган Демократик кучлар блокига мухолифат деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2015

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ОНЛАЙН МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг раислари ва аъзолари иштирокида Марказий сайлов комиссиясининг кенгайтирилган онлайн мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда халқаро кузатувчилар, сиёсий партиялар ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов мажлисни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига саноқли кунлар қолганини таъкидлаб ўтди. Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирга тайёргарлик миллий қонунчиликка, унда мустаҳкамлаб қўйилган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик тамойилларига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилмоқда.

Мажлис мобайнида Ўзбекстон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурини ижро этиш масалалари кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, уни амалга ошириш доирасида сайлов комиссиялари томонидан фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 9058 та сайлов участкаси, шу жумладан Ўзбекистоннинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида 44 та сайлов участкаси ўз вақтида қонунда белгиланган тартибда тузилди. Сайлов участкалари овоз бериш учун зарур асбоб-ускуналар билан таъминланган. Сайловчилар рўйхатлари ҳамма танишиб чиқиши учун осиб қўйилган. Ҳар бир сайлов участкасида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ҳақида ахборотлар мавжуд.

(Давоми 2-бетда)

Наврўз – 2015

ЛИ УК ХОН: «СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА»

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг вақт синовидан ўтган ишончли стратегик шерикларидан биридир. Мамлакатларимизни ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган дўстлик ҳамда ҳамкорлик ришталари боғлаб турибди. Бу муносабатлар мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар ва муштарак интилишлар самарасида янги мазмун билан бойиб бормоқда.

Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчиси Ли Ук ХОН билан суҳбатлашди.

– Жаноб элчи, суҳбатимиз Наврўз байрами арафасида ўтмоқда. Ушбу байрам ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.

– Наврўз Ўзбекистон ва умуман, Марказий Осиёдаги энг ажойиб ва гўзал баҳор байрамидир. Шарқона Янги йилнинг кириб келишидан дарак берувчи бу айём тўкинсочинлик, тан-сиҳатлик ва бахт-саодат рамзидир. Наврўзни илк бор ўтган йили Ўзбекистонда кутиб олгандим.

Ўзбекистон халқи анъанавий байрам маросимларини кўтаринки кайфиятда, шоду хуррамлик билан биргаликда нишонлайди, шу муносабат билан ўтказиладиган кўплаб маданий тадбирларда ёшу қари фаол иштирок этади. Буларни кўриб, мен Наврўз ўз аҳамияти ва қадриятлари билан ЮНЕСКОнинг Жаҳон номоддий мероси рўйхатига киритилгани бежиз эмаслигига амин бўлдим.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Термизда давлат бошқарувида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш масаласига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.**
- **Навоий вилоятининг Томди туманида янгидан бунёд этилган 12-болалар мусиқа ва санъат мактаби фойдаланишга топширилди. Бир миллиард икки юз миллион сўм маблағ эвазига барпо этилган ушбу маскан томдилик санъатсевар ёшларга ҳақиқий Наврўз туҳфаси бўлди.**
- **Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида вилоятдаги ахборот технологиялари ва коммуникациялари йўналишидаги таълим муассасалари битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.**
- **Юртимизда Наврўз нафаси кезаётган шу кунларда Термиз шаҳрида «Саиджон-Муҳаммаджон музқаймоқлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.**

ЖАҲОНДА

- **Apple компанияси Apple Watch соатининг premium версияси тақдимотини ўтказиб, ўзининг олтин ақлли соати якуний нархини эълон қилади. Apple Watch Edition нархи 10 минг доллардан кам бўлмайди. Қайд этилишича, соатнинг корпуси ва боғичи 750 пробали олтиндан ясалган. Apple Watch Edition компания тарихидаги энг қиммат маҳсулот — 1983 йилда чекланган миқдорда ишлаб чиқарилган 10 минг долларлик Lisa компьютерларини ортда қолдириши мумкин.**
- **Кембриж университети олимлари 187 та мамлакат аҳолисининг 1990-2010 йиллардаги кундалик овқатланиш тартибини ўрганиб чиқди ва аҳолиси энг фойдали озиқ-овқат истеъмол қиладиган мамлакатлар рейтингини тузди. Таъкидлаш жоиз, тадқиқот натижаларига кўра, Африканинг ночор давлатлари ривожланган давлатлардан фарқли равишда рейтингнинг юқори поғоналарини эгаллади. Уларнинг овқатланиш тартиби сабзавотлар, дон маҳсулотлари ва қайта ишланган озиқ-овқат маҳсулотларини ўз ичига олди.**

Сайлов – 2015

ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округида муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш ҳақида»ги қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан қабул қилинди.

Унга кўра муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида, яъни 29 март куни шаҳарда бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза билан ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясига мурожаат этиши лозим.

Шаҳар округ сайлов комиссиясининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округида муддатидан олдин овоз бериш жорий йилнинг 19 март кунидан 27 март кунигача бўлган даврда соат 9-00 дан 19-00 гача амалга оширилади.

ҲИНДИСТОНЛИК ЭКСПЕРТЛАР:

«ЎЗБЕКИСТОНДА ЮКСАК ДЕМОКРАТИК ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРУВЧИ МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИ МАВЖУД»

(Давоми. Боши 1-бетда)

*Ишонаманки, мустақил тарзда фаолият олиб борувчи Марказий сайлов комиссияси бўлажак Президент сайлови очиқ-ошкора, холислик ва шаффофлик муҳитида ўтишини тўла таъминлай олади.

Жамиа Миллия Исломия университети Халқаро тадқиқотлар академияси профессори Рашми Дораисвами хоним:

— Ўзбекистонда мустақиллик йилларида ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳалар изчил ривожланиб бориши натижасида умумэътироф этилган халқаро стандартлар ва юксак демократик талабларга ҳар томонлама жавоб берувчи миллий сайлов тизими шаклланди.

Мен 2007 йилда юртингизда бўлиб ўтган президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этганман. Эрта тонгдан бошлаб ёшу кексанинг сайлов участкасига келиб, навбат билан ўз танлаган номзодига овоз бериш жараёнини кузатиш жуда қизиқарли бўлганди ўшанда.

Ўзбекистон демократик қадриятлар ривожланиб, фуқаролик жамияти институтлари фаоллашиб бораётган давлатлар сирасига киради. Мамлакат ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа саналмиш сайловларнинг кўппартиявийлик асосида, тенг курашлар ва холис рақобат остида очиқ ва ошкора ўтиб келаётгани фикримнинг далилидир.

Ўйлайманки, бу галги сайлов ҳам барча демократик андозаларга мос ҳолда ўтиши билан мамлакат ҳаётидаги тараққиётнинг янги босқичини бошлаб беради.

Бал Рам Саини, БРИКС савдо-саноат палатаси раиси:

— Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг тўғри, пухта ўйланган йўлини танлаб ололган саноқли давлатларнинг бири саналади.

Юртингизда иқтисодиётни модернизация қилишнинг муҳим шартларидан бири сифатида қулай инвестицион муҳит яратиш ва хорижий сармояларни жадал ўстиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ҳуқуқий кафолатлар ва имтиёзлар ҳиндистонлик ишбилармонларни ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистонда ўзаро ҳамкорликда ишлаётган 60 дан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, уларнинг 20 га яқини 100 фоизлик ҳинд тадбиркорлари маблағи асосида фаолият юритаётгани эътиборга молик.

Мустақиллик йилларида мамлакатингизда сайловларни эркин ва ошкора ўтказилишини таъминловчи ҳуқуқий асос яратилди. Шу билан бирга, фуқароларнинг сиёсий маданияти, ҳуқуқий онги, ижтимоий фаоллиги ошди. Фикримча, бўлажак президент сайловида бу жараёнларнинг ёркин мисолини кўрамиз.

«Жаҳон» АА,
Деҳли

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ОНЛАЙН МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Участка сайлов комиссиялари сайловчиларни овоз бериш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилиш ишларини амалга оширмоқда. Муддатидан олдин овоз бериш, шунингдек сайлов куни сайлов участкасига келолмайдиган сайловчиларнинг турган жойида овоз беришини ташкил қилиш чоралари кўрилмоқда.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очиқ ва ошкора амалга оширмоқда. Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар. Мажлис мобайнида сайлов комиссияларининг ушбу йўналишдаги ишлари сифатига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда ЕХҲТ ДИИҲБ ва МДҲ кузатувчилари миссиялари ўз фаолиятини амалга оширмоқда. Улар сайлов комиссиялари иши билан яқиндан танишмоқда, комиссия аъзолари билан учрашувлар ўтказмоқда. Бундан ташқари, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари ҳам қатнашиш ҳуқуқига эгадир. Уларнинг ишига зарур шарт-шароитлар яратиш сайлов комиссиялари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўрнатилган видеоалоқа туфайли округ сайлов комиссияларининг аъзолари сайловни ташкил қилиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча амалий масалалар юзасидан батафсил маълумотларга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ПАРЛАМЕНТДАГИ КЎПЧИЛИК — ДЕМОКРАТИК КУЧЛАР БЛОКИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва рўёбга чиқаришда мамлакатимиз қонун чиқарувчи олий органининг ваколатлари ва имкониятларини сезиларли даражада кенгайтирган мамлакатимиз Конституциясига киритилган охирги тузатишлар парламент фаолиятининг ҳамда унда ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партияларнинг роли ва аҳамиятини сезиларли равишда кучайтирди.

Иқтисодий, сиёсий, гуманитар ва суд-ҳуқуқ соҳасини ривожлантиришга доир энг муҳим масалалар юзасидан ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» ДП нуқтаи назарлари ҳамда дастурий мақсадларининг яқинлигини эътиборга олган ҳолда, шунингдек, мамлакатни модернизация қилиш ва жамиятни демократик янгилаш вазифаларини самарали рўёбга чиқаришда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш мақсадида қўшма мажлис иштирокчилари ушбу икки партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан таркиб топган, Қонунчилик палатасида парламентдаги кўпчиликни ташкил этувчи Демократик кучлар блокини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатимиз модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунининг 2-моддаси блокни ташкил этиш учун ҳуқуқий асос бўлиб, унда бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ўз дастурий мақсад-вазифаларининг яқинлигидан ёки ўхшашлигидан келиб чиққан ҳолда, парламент кўпчилигини тузиши мумкинлиги назарда тутилган.

Бундай амалиёт ривожланган демократик мамлакатларнинг парламентларида кенг татбиқ этилмоқда.

Мажлис иштирокчилари парламентнинг аввалги чақириқларида Демократик блок фаолият кўрсатганлиги кўпчилик овозга эга бўлган ҳолда саъй-ҳаракатларни бирлаштириш сиёсий партияларнинг парламентдаги фракциялари фаолияти самарадорлигини кучайтиришга, шунингдек, уларнинг сайловолди платформасида белгиланган устувор дастурий вазифаларини амалга оширишга имкон яратишини кўрсатганлигини таъкидладилар.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлари, қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишлари дастурини самарали ижро этишни Демократик кучлар блокининг асосий мақсадлари сифатида белгилаб олиш зарурлиги қайд этилди.

Бу мамлакатимизни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, миллий анъаналар ва қадриятларни сақлаш учун, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир вазифаларни самарали ва муваффақиятли амалга ошириш учун ҳаётий муҳим қонунларни киритиш ва илгари суришни, хусусий мулкни, тадбиркорлик ишини ҳимоя қилишнинг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Демократик кучлар блоки икки партия фракциялари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги битим асосида амал қилади. Блокка бирлашган партия фракциялари масалаларни олдиндан муҳокама этиш ва улар бўйича якдил нуқтаи назарни ишлаб чиқиш билан бир қаторда ўз дастурий мақсад-вазифаларига мувофиқ фаолият кўрсатиш ҳуқуқини ҳам сақлаб қоладилар.

Муҳокама якунларига кўра Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари қўшма фаолиятининг асосий шартлари ва устувор йўналишларини назарда тутувчи икки томонлама Битим имзоланди.

* * *

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг қўшма брифинги бўлиб ўтди. Брифингда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Парламент фракцияларининг раҳбарлари Олий Мажлис қуйи палатасида ташкил этилган Демократик кучлар блокининг мақсадлари ва устуворликлари, унинг биринчи навбатдаги вазифалари тўғрисида батафсил ахборот бердилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча масалалар юзасидан батафсил ахборот олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзХДП фракциясининг парламентдаги мухолифат сифатидаги аввалги тажрибасидан келиб чиқиб, шунингдек, партиянинг дастурий вазифаларини инобатга олган ҳолда, фракция давлатнинг ижтимоий йўналтирилган йўлида кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўсиб бораётган иқтисодий салоҳиятдан аҳолининг барча қатламлари, энг аввало, кам таъминланган қатламининг турмуш даражаси ижтимоий ҳимояланганлигини доимий равишда ошириб боришни таъминлайдиган иқтисодиётдаги тартибга солувчи ролини мустаҳкамлаш тўғрисидаги ғояни илгари суради.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий устуворликлари қаторида энг кам истеъмол харажатлари (истеъмол саватчаси) стандартларини белгилашнинг асосланган ва замонавий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш ва бу билан мазкур стандартларга мамлакатдаги ойлик иш ҳақи ва пенсиянинг энг кам миқдорлари мос келишини таъминлаш масалалари турибди. Шунингдек, партия аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш тарифларини давлат томонидан ушбу хизматлар тарифларини тартибга солинишини такомиллаштириш орқали хизматлар ҳақини мақбуллаштиришни аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муҳим омил деб ҳисоблайди.

Партия, шунингдек, аҳоли бандлигини ташкил қилишнинг мутлақо янги ва замонавий усулларини жорий қилиш, иш ўринларини ташкил этиш дастурининг сўзсиз бажарилиши устидан парламент назоратини кучайтириш, аввало ўрта махсус ва олий таълим муассасаларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг асосий мезонлари, уларни ҳаётга татбиқ қилишда яратиладиган барқарор иш ўринлари сони билан ўзаро боғлиқлигини таъминлаш тарафдоридир.

Ушбу устувор масалаларда ЎзХДП Демократик кучлар блокига бирлашган партияларнинг фракциялари нуқтаи назаридан фарқ қиладиган ўзи тутган йўлнинг ечимларини таклиф этиш ва илгари суришга тайёр.

Фракциянинг тегишли баёнотида Ўзбекистон ХДП фракцияси Қонунчилик палатасида партиялараро рақобатнинг қонунчиликда назарда тутилган механизмларидан, ҳуқуқ ва ваколатлардан парламент воситалари орқали партиянинг сиёсий устувор ғояларини ва дастурий мақсадларига қатъий эришиш, давлат ва жамият томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда ишончли ижтимоий кафолатларга эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатларини изчил ифодалаш ва ҳимоя қилиш, мазкур манфаатларни Қонунчилик палатасида қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилишда самарали инобатга олишга кўмаклашишда фаол ва масъулият билан фойдаланиш ниятида эканлиги таъкидланди.

Шу куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ЎзХДП фракцияси мамлакатимизда аккредитация қилинган маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари учун брифинг ўтказди.

Парламент фракцияси вакиллари фракция устуворликлари, парламентдаги мухолифат сифатидаги энг муҳим вазифалари ҳақида батафсил маълумот бердилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоблар олдилар.

* * *

16 март куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш кун тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясини парламентдаги кўпчиликка нисбатан мухолифат деб эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Йиғилиш иштирокчилари Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияларининг парламентдаги кўпчиликнинг Демократик кучлар блоки тузилганлиги тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган бундан кейинги ўз фаолиятларини муҳокама қилдилар.

«Адолат» СДП ҳамда янгидан тузилган Демократик кучлар блоки нуқтаи назарларида мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожлантириш устувор йўналишлари юзасидан айрим тафовутлар мавжудлиги фракция аъзолари томонидан қайд этилди.

«Адолат» СДП учун ўта муҳим бўлган бизнеснинг ижтимоий масъулияти даражасини ошириш, давлат ва хусусий бизнес ҳамкорлигини фаол ривожлантириш, интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида давлат назоратини кучайтириш, корхоналарга уларнинг ижтимоий жиҳатдан фойдали эканлигидан келиб чиқиб, солиқ имтиёзларини бериш каби масалалар парламентдаги кўпчиликнинг ғоялари ва муштарак фаолияти йўналишларида етарлича акс этмаганлиги алоҳида қайд этилди.

Шу боис, йиғилишда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунда белгиланган нормаларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясини парламентдаги мухолифат деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор бир овоздан қабул қилинди.

Қонун нормаларига мувофиқ ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳririни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Йиғилиш иштирокчилари таъкидладиларки, мухолифат сифатида «Адолат» СДП фракцияси ўзига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланиб, парламентда ўз электорати саналган юқори малакали мутахассислар ва ишчилар, илм-фан ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар ҳамда Ўзбекистонни кучли, нуфузли, ҳар томонлама ривожланган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ғояларида яшашни хоҳлайдиганларнинг манфаатларини изчил ифодалайди ва ҳимоя қилади.

Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзолари томонидан мамлакатимизда аккредитация қилинган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига брифинг ташкил этилди.

Фракция аъзолари парламентдаги мухолифат сифатидаги бирламчи вазифалари ва устувор йўналишлари ҳақида батафсил маълумот бериб ўтдилар. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати

ЛИ УК ХОН:

«СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИГИМИЗ ИЗЧИЛ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда)

Наврўз корейс халқининг энг катта байрами бўлган Соллалга ўхшайди. Бизнинг юртимизда Янги йил ой тақвими бўйича кириб келади. Шу куни барча оила аъзолари ва қариндошлар дастурхон атрофида йиғилиб, Янги йилни яхши ниятлар билан кутиб олади.

Бу йилги Соллаль байрами февраль ойи охирида келди. Мен Янги йилни яна бир бор ўзбек халқи билан кутиб олганимдан хурсандман.

Ўзбекистон халқи Наврўз айёмини яхши кайфиятда, ўз қадрдонлари даврасида шоду хуррамлик билан нишонлашини тилайман.

Жорий йилда ҳам ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман.

– Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик қайси соҳаларда жадал ривожланиб бормоқда?

– 1992 йилда дипломатик алоқалар ўрнатган Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари бугунги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилган ва мамлакатларимиз барча соҳалар, жумладан, сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий жабҳаларидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамламоқда.

Давлат раҳбарларининг олий даражадаги ташрифлари ўзаро манфаатли шериклик муносабатларини ривожлантиришда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилаётир. Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ 2014 йилнинг июнь ойида Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бунинг самарасида амалий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб келишувларга эришилди.

Мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Бу борадаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб бораётганидан хурсандмиз.

Ўзбекистоннинг бой табиий ресурслари, юқори малакали мутахассислари ва Жанубий Кореянинг илғор технологиялари, ноу-хаулари энергетика соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Сурғил кони базасида газ-кимё мажмуасини барпо этиш бўйича амалга оширилаётган қўшма лойиҳа бунга ёрқин мисол бўла олади. Қандим кони базасида газ-кимё мажмуаси ва газни қайта ишлаш заводи қурилиши, Толлимаржон ИЭСини модернизация қилиш ва бу борадаги бошқа кўплаб лойиҳалар ёқилғи-энергетика соҳасидаги ҳамкорлигимиз жадал ривожланиб бораётганидан далолатдир.

Инфратузилмани ташкил қилиш, транспорт ва логистика, юқори технологияли илғор ишлаб чиқариш, қайта тикланадиган энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, соғлиқни сақлаш, таълим каби муҳим йўналишлар ҳам ҳамкорлигимизнинг устувор соҳаларидир.

– Ўзбекистонда таълим соҳасига қаратилаётган эътиборни қандай баҳолайсиз? Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳияти, уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари ҳақида нима дея оласиз?

– Ўзбекистоннинг барча вилоятлари, кўплаб шаҳар ва туманларида бўлганман. Мамлакатингизда таълим соҳаси инфратузилмаси юқори даражада ривожлангани ва ўқув муассасаларининг замонавий техник воситалари билан жиҳозлангани менда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида таълим соҳаси ривожлантирилаётгани, 2013 йилдан инглиз тилини мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб ўргатиш жорий этилгани, чет тиллар ва ахборот технологияларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилаётганини юқори баҳолайман.

Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси келажак авлод ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириши учун таълим соҳасида тажриба алмашиш ва алоқаларни мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Шу мақсадда турли қўшма лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқиб, амалга оширмоқда.

АКТ соҳасида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган Инха университетининг Тошкентда очилган филиали 2014 йилнинг октябрь ойида дастлабки талабаларни қабул қилди. Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари Тошкент шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш маркази ва шу каби бошқа муассасаларда ODA KOICA кўмагида янги технологиялар бўйича малака оширмоқда. Шу йилнинг 11 март куни Самарқанд шаҳридаги Касб-ҳунарга ўқитиш маркази пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Келажакда бундай лойиҳаларни янада кўпайтириш саноат соҳасида мутахассислар тайёрлашга амалий ҳисса қўшишига аминман.

– 2015 йил Ўзбекистонда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди. Ушбу ташаббус ҳақида ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.

– Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, деб таъкидлади. Жорий йил Ўзбекистонда Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинди. Ўтган йили «Соғлом бола йили», бу йил «Кексаларни эъзозлаш йили» каби Давлат дастурларини амалга ошириш орқали мамлакатингизда жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш сиёсати изчиллик билан мустаҳкамланиб бораётганини юксак баҳолайман.

Ўзбекистонда кекса авлод вакиллари – мамлакат тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш ва маданий дам олишига кўмаклашиш, ҳаёт сифати ва фаровонлигини юксалтириш, Саховат уйларини техник жиҳозлаш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар диққатга сазовордир.

Ўзбекистон оилавий қадриятларни асраб-авайлаш, ота-оналарни эъзозлаш, кексаларни ҳурмат қилишга алоҳида аҳамият бераётгани билан Корея Республикасига ўхшайди. Ишончим комилки, мамлакатнинг турли соҳаларини ривожлантиришга ўз ҳаётини бағишлаган кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш бундан кейин ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Бу эса келажак авлодларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

ЎзА мухбири Ирода УМАРОВА суҳбатлашди

ҲУҚУҚ, БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Инсоният тараққиётининг ҳозирги даврида дунёнинг аксарият давлатларида ёшлар тарбияси ва оила билан боғлиқ айрим маънавий муаммолар юзага келиб, улар муайян мамлакатлар тараққиёти йўлида улкан тўсиқ даражасига кўтарилмоқда. Ўзбекистон ҳам бу каби ҳолатлардан ҳоли бўлмай, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаш йўлида узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсат туфайли, бу каби муаммоларнинг олдини олишга қаратилган самарали чоралар кўрилмоқда.

Бу борада олдимизда турган муҳим вазифаларга эътибор қаратган Президентимиз истиқлолимизнинг дастлабки йилларидаёқ: «Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз жамиятимиз аъзолари, аввалambор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир», деган эдилар.

Шу боис ҳам мустақилликнинг илк босқичида, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ нормаларининг умумэътироф этилган қоидаларидан келиб чиққан ҳолда, болалар ҳуқуқларига доир миллий қонунчилик базаси яратилди. Эркин фуқаролик жамияти қуришни бош устувор мақсад дея эълон қилган мамлакатимиз 1992 йилнинг 9 декабридаёқ «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияга қўшилди. Бу билан Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамият томонидан қабул қилинган ушбу ҳужжатни тан олиши баробарида, болалар ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилди.

Болалар ҳуқуқларига доир муҳим халқаро ҳужжатга қўшилганимиздан кейин мамлакатимизда имплементация жараёни амалга оширилди, яъни миллий қонунчилик ҳужжатлари Конвенция талабларига мослаштирилди.

Энг муҳими, болалар ҳимоясининг ҳуқуқий кафолатлари 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилган эди.

Бинобарин, Бош Қомусимизда ота-оналарнинг фарзандлари олдидаги мажбурияти (64-модда) қатъий белгилаб қўйилиб, давлат ва жамият ота-оналарининг қарамоғидан маҳрум бўлган ва етим болаларга ғамхўрликни ўз зиммасига олиши, оналик ва болалик давлат муҳофазасида экани (65-модда) мустаҳкамланди.

Болалар ҳуқуқларининг Конституцияда кафолатланганлиги халқимиз табиатига хос бўлган юксак инсоний фазилатларнинг ўзига хос кўриниши бўлди. Шу тариқа мамлакатимизда болалар ҳуқуқлари ҳимояси йўлида мустаҳкам қонунчилик пойдеворига асос солинди, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фаолиятига кенг йўл очиб берилди.

Шу тариқа ўтган қисқа вақт ичида замонавий дунёқарашга эга, билим ва тафаккури юксак, фаол ва аниқ фуқаролик позицияси мавжуд бўлган навқирон авлод вакилларини шакллантиришга хизмат қилувчи барча шарт-шароитлар яратилди. Бунга жавобан ёшларимиз ҳам Ватан тараққиёти ва гуллаб-яшнаши учун бор истеъдод, куч-қобилиятини ва интеллектуал салоҳиятини намоён эта бошлади.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоиздан ортиғини вояга етмаганлар ташкил этади. Аҳоли таркибида бундай ёшдагиларнинг кўплиги мамлакат истиқболини таъмин этувчи ижобий омиллар сирасига киради. Давлатимиз раҳбари ҳам «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши шарт», дея бежиз таъкидламаган. Зеро, айнан ақлий салоҳияти юксак, маънан баркамол, жисмонан етук ёшлар мамлакат келажаги учун ғоят қимматли куч ва имконият саналади. Шу билан бирга, вояга етмаганлар сони юқорилиги давлат ижроия ва бошқарув органлари, таълим-тарбия муассасалари, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди.

Тўғри, ёш авлодни кўп минг йиллик маънавий-маърифий қадриятларга содиқлик руҳида, соғлом ва тоза ақида асосида тарбиялаш мураккаб жараён. Бу борада юртимизда тегишли давлат бошқарув идоралари, турли вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолият юритиб келмоқда.

Чунончи, 2000 йилнинг 21 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда ёшлар тарбиясига масъул бўлган барча давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уни янада такомиллаштириш вазифаси белгилаб берилди. Мазкур қарор асосида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ташкил қилиниб, ушбу комиссияга Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раис этиб тайинланди. Ўтган йиллар мобайнида ушбу комиссия учун ўзига хос шаклланиш ва вояга етмаганлар ҳақ-ҳуқуқлари, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи муҳим давлат органи сифатида майдонга чиқиш даври бўлди, десак янглишмаймиз.

Бугунги кунда маҳаллий ҳокимиятлар ҳузурида вояга етмаганлар масалалари бўйича ташкил этилган комиссиялар ўз фаолиятлари давомида жойларда ёшларимиз муаммоларини ҳал этишда муҳим роль ўйнамоқда. Улар вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг мукаммал даражада билим эгаллашларига ҳам кўмак бериб келмоқда.

Фақатгина ўтган 2014 йил мобайнида ташкилотнинг Тошкент шаҳар вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялари томонидан ўн минг нафардан ортиқ ўғил-қизларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг ижтимоий ҳимоясига оид муаммолар ҳал этилган.

Аммо шуни ҳам қайд этиш зарурки, ушбу комиссиялар томонидан 500 нафардан зиёд вояга етмаганлар, улар орасида кўплаб мактаб ва коллеж ўқувчиларининг ножўя хатти-ҳаракатлари, яъни у ёки бу кўринишдаги ҳуқуқбузарликлари ва ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари ҳақидаги ишлар кўриб чиқилиб, тегишли чоралар кўрилди.

Тўғри, ҳаётда ҳамма нарса ҳам тўла-тўкис бўлмаганлиги каби, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, жиноят содир этилиш ҳолатлари кундалик ҳаётимизни тўлиқ тарк этмаган. Мавжуд маълумотларга кўра, 2014 йилда вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2013 йилдагига нисбатан камроқ эканлиги қайд этилган. Бу тоифадаги жиноятлар аниқ сонига урғу бермаган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, вояга етмаган шахс томонидан содир этилган битта жиноят ҳам кўп бўлиб, у ўта ташвишли ва ножоиз ҳолатдир. Бундай нохуш ҳолат эса, ҳар биримизни сергаклик ва ҳушёрликка чорлаши табиийдир.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик ҳар қандай жамиятда, ҳатто ўта ривожланган давлатларда ҳам энг оғриқли муаммо ҳисобланади. Ҳали ўзини тўла бошқара олмай, хатти-ҳаракатига жавоб беролмайдиган ёшлар атроф-муҳитдаги ижтимоий воқелик таъсирида жиноятга, айрим ҳолатларда оғир ва ўта оғир жиноятларга қўл уриши мумкин. Зеро, ҳар бир содир этилган бу каби жиноят негизида кимнингдир азиз фарзанди ёки набирасининг тақдири ётибди, унинг катта ҳаётга қўяётган илк қадами нурли келажак пиллапоясига эмас, жарликка бориб тушаётганидан далолат беради.

Кўпчилик олим ва мутахассислар вояга етмаган болаларнинг жинояти шартли тушунча эканини таъкидлашади. Бу қараш асоссиз эмас. Ҳақиқатан ҳам ҳали ақлан тўла шаклланмаган, ижтимоий муҳитдаги салбий омиллар домига тез тушиб қоладиган ёшларнинг ҳуқуқбузарлик содир этишида, жиноятга қўл уришида ота-она, оила, маҳалла, бир сўз билан айтганда, кенг жамоатчиликнинг ҳам маълум даражада айби бўлади.

Баъзи ҳудудларда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий-ҳуқуқий ишларнинг сустлашганлиги, улар устидан назоратнинг бўшлиги, бандлик масалалари ва бошқа ижтимоий муаммоларнинг лозим даражада ҳал этилмаганлиги оқибатида ёшлар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноий ҳаракатлар содир этилиши, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка руҳу қўйиш, диний фанатизм ёки бошқа салбий оқимлар ва гуруҳлар таъсирига тушиб қолиш ҳоллари, афсуски, учраб турибди.

Фикримизча, вояга етмаганлар орасида содир бўлаётган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, энг аввало, болаларни миллий урф-одатлар, меҳр-оқибат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади. Бола тарбияси бир-иккита одамнинг иши эмас. Ёшлар тарбиясига оила, мактабгача таълим ва ўрта махсус ҳамда олий таълим муассасалари, маҳалла қўмиталари, қолаверса, барча-барчамиз масъул ва жавоб берамиз.

Азалдан халқимизда бола тарбиясида «менинг болам», «сенинг боланг» деган гаплар эмас, балки унинг ўрнига «бир болага етти қўшни ота-она», дейиш расм бўлган. Ҳар қайси боланинг шаклланишида, вояга етишида оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, боланинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари, биринчи галда, оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқараши, номус, андиша каби муқаддас тушунчалар пойдевори оилада шаклланади.

Бугунги кунда бизнинг қилаётган барча ишларимиз фарзандларимизнинг бахту саодати, уларнинг ёруғ келажаги учун амалга оширилмоқда. Лекин бахту саодат фақат бойлик, молу мулк билан белгиланмайди. Одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, иймон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун жамиятнинг энг катта бойлигидир.

Шу ҳақиқатдан келиб чиққан ҳолда, ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар доимийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда нафақат барчамизнинг асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз ҳамдир.

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», «Болани ёшдан, ниҳолни бошдан асра», «Бола азиз, одоби ундан азиз» каби нақллар борки, уларнинг мағзини чақадиган бўлсак, бундан болаларнинг қандай ўсиб вояга етиши, феъл-атвори қандай бўлиши, аввало, ота-онанинг тарбиясига, ота-онанинг боланинг олдида ўзларини қандай тутишига, ибрат кўрсатишига жуда ҳам боғлиқ деган маъно келиб чиқади. Агар ота-она болани ёшлигидан меҳнат қилишга ўргатиб чиниқтирмаса, қийинчиликларни енгишга одатлантирмаса, бола нафақат ёшлигидаёқ, балки катта бўлганда ҳам қоқилади, ҳаёт зарбаларига бардош беролмайди. Шунинг учун ота-онанинг болага кичиклигиданоқ одоб-ахлоқ, илм, ҳунар ўргатиши, қолаверса ҳаёт паст-баландликларига кўниктириб бориши ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бу борада муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» деб номланган асарида: «Биз ҳам фарзандларимизни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга, ота-боболаримизнинг муқаддас динига садоқат руҳида тарбиялаш учун, таъбир жоиз бўлса, аввало уларнинг қалби ва онгида мафкуравий иммунитетни кучайтиришимиз зарур. Токи ёшларимиз миллий ўзлигини, шу билан бирга, дунёни чуқур англайдиган, замон билан баробар қадам ташлайдиган инсонлар бўлиб етишсин», деган тилак ва истакларининг нақадар ўринли эканлигини яна бир бор эслатиб ўтиш жоиз, деб ҳисоблаймиз.

Афсуски, бола тарбиясига жиддий эътибор бермайдиган ота-оналар ҳам бор. Уларнинг кўпчилиги фарзандининг ўқиши билан қизиқмайди, ҳаттоки, ўқиётган таълим муассасасидаги ота-оналар йиғилишига қатнашмайди. Фикримизча, болалар тарбиясида оила, мактаб, барча таълим масканлари бир ёқадан бош чиқариб, ҳамкорликда иш олиб борсалар, ёмон хулқли бола қолмас эди. Чунки, ҳеч бир бола ёмон бўлиб туғилмайди, аксинча, у теварак-атрофидагиларга қараб тус олади, ўзгаради.

Маълумки, ҳар қандай иллат, адолатсизлик ёки жиноятнинг илдизида одобсизлик, ахлоқсизлик ётади. Ўғрилик битта нина ёки битта тухумни ўғирлашдан бошланади, деган гап бор халқимизда. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, гоҳида биз учун арзимасдек туюлган адабсизликнинг олди вақтида олинмаса, ундан ахлоқсизлик униб чиқади. Бу ахлоқсизлик ситамгарликни келтириб чиқаради. Заминга тушиб, илдиз отмасиданоқ бартараф қилишимиз зарур бўлган, аммо бизнинг лоқайдлигимиз боис эътиборсиз қолдирилган ўша кичик адабсизлик уруғи турли шаклларда намоён бўлиб, ўзининг заҳарли мевасини бериши мумкин. Шунчаки оддий муомалада қўполлик, ўзгаларни писанд қилмаслик, катталарга ҳурматсизлик, кичиклардан меҳрини дариғ тутишдек бизга кичик, оддий кўринган қусурлар катта салбий оқибатларга олиб келади.

Одоб-ахлоқ ва адолат тушунчалари бир занжирнинг чамбарчас халқаларидир. Юртда одоб-ахлоқли инсонларни камол топтириш адолатли жамият сари йўл деганидир. Бу ўринда Президентимизнинг юқорида номи тилга олинган асаридаги яна бир мулоҳазаларига мурожаат қилмоқчимиз: «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади».

Дарҳақиқат, бола тарбиясида ҳеч қачон бепарволикка, лоқайдликка йўл қўйиб бўлмайди. «Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиш керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на иймон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди». Давлатимиз раҳбарининг ушбу сўзларидан тегишли хулоса чиқариб олиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ота-боболаримиз азал-азалдан ёшларни одобли, яхши хулқли, меҳнатсевар, инсоф-диёнатли, орномусли, қариндош-уруғлари ва дўст-биродарларига меҳр-муҳаббатли, бир сўз билан айтганда, комил инсонлар қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратганлар.

Ёшларимиз орасида содир бўлаётган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ҳамда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олишга жавобгар бўлган бошқа ташкилотлар, маҳаллий ҳокимиятлар қошидаги комиссиялар иш самарадорлигини ошириш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вояга етмаганлар ишлари бўйича масалаларни кўришда болалар ва ўсмирларни ҳуқуқбузарликка ундаган сабабларни аниқлашлари, жиноят илдизини топиш принципидан келиб чиқиб фаолият юритмоқлари зарур.

Қонун устувор, инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланган фуқаролик жамиятида жиноятчини жазолаш эмас, уни ахлоқан тузатиш, тўғри йўлга бошлаш асосий тамойил саналади. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар билан боғлиқ ишларни ҳал этишда эса айнан шундай инсонпарварлик ва адолат принципларига қатъий риоя этилиши алоҳида аҳамият касб этиши даркор.

Зеро, мамлакатимизда амал қиладиган қонунчилик ўз моҳиятига кўра, вояга етмаганлар ва ёшларни асраб-авайлаш, уларнинг ҳар томонлама камолга етиши учун имкон яратишга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жазо тайинлаш тизими ҳам юқорида қайд этилган принципларга риоя қилинган ҳолда шакллантирилган.

Вояга етмаганларнинг ишлари бўйича ҳар қандай масаладан асосий эътибор профилактика ишларига қаратилиши даркор.

Чунончи, жиноят процессуал қонунчилигида асосий урғу улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифасини ҳал қилишга қаратилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар ҳақидаги ишларни кўриб чиқаётган суриштирув, дастлабки тергов ва суд органларидан нафақат вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят, унга имкон яратган шарт-шароитларни синчковлик билан ўрганиш, балки ҳар бир ҳодисага ижтимоий баҳо бериб, амалга оширилган ҳуқуқбузарликлар учун жамоат ташкилотлари, ўқув муассасалари ва мактаблар, ота-оналарнинг масъулиятларини оширишга қаратилган чоралар кўришлари ҳам талаб қилинади. Энг асосийси, ҳар бир жиноят иши бўйича жиноят содир этган вояга етмаганларни озодликдан маҳрум этмаслик чоралари муҳокама қилинади.

Надоматлар бўлсинки, доим ҳам бундай мақсадларга эришишнинг имкони бўлмайди. Бинобарин, жиноят содир этилишига оид ҳар бир бундай ҳолатда вазият шу даражага етганки, вояга етмаган жиноятчига бошқа жазо чораларини қўллашнинг имконияти ва иложи бўлмайди. Аксарият бундай ҳолларда вояга етмаган ҳуқуқбузарлар томонидан такроран, айрим ҳолларда эса бир неча маротаба жиноятлар содир этилган бўлади.

Масалан, Тошкент шаҳридаги касб-ҳунар коллежларидан бирининг ўқувчиси Дониёр Алиевга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) 2012-2013 йиллар давомида уч маротаба ўғирлик жиноятини содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиб, унга тўғри йўлга кириб, ўзига тегишли хулоса чиқариб олиш имконияти берилган. Бироқ, тўғри йўлга киришни хоҳламаган ва берилган имкониятдан фойдаланмаган Дониёр ўзини жиноят содир этишдан тийиб тура олмади ва 2014 йилнинг ноябрь ойида яна ўғирлик содир этди. Минг афсус, бу сафар суд учун уни озодликда қолдириш имкони қолмаган эди.

Албатта, ёш авлод камолоти йўлида эришаётган ютуқларимиз қувонарли ҳол. Шу билан бирга, бу борада олдимизда турган муаммолар ва амалга оширилиши зарур бўлган вазифалардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Жиноят содир этган кўпчилик ёшларнинг ўзлари билан пичоқ, кастет, бита ва шу каби бошқаларга ҳужум қилиш ва тан жароҳати етказиш учун мўлжалланган предметлар олиб юрганликлари ташвишли ва ҳар биримизни сергакликка ундовчи омил бўлмоғи зарур. Бу каби жиноят ишлари юзасидан ўтказилаётган дастлабки тергов ва суд жараёнларида айбланувчиларнинг айримлари юқоридаги каби буюмларни кимгадир ҳамла қилиш учун эмас, балки уларни қўрқитиб қўйиш учун олиб юрганликларини, баъзилари эса бундай «куролланиш»нинг сабабини кўча-кўйда ўзларини ҳимоя қилишга қаратилганлигини билдирмоқдалар. Нима бўлганда ҳам юқоридаги ҳолат биз учун чуқур ўрганиб таҳлил қилиш ва бундай ҳолатларнинг олдини олишнинг кескин чораларини кўришликни тақозо этади.

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 5 февралда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу мақсадларга қаратилган ҳужжатдир.

Мазкур қарорда ёшлар, айниқса вояга етмаганлар ўртасида маънавий-ахлоқий хислатларни бузувчи, зўравонлик, шафқатсизлик ва порнографик, шунингдек, сохта диний мафкурани тарғиб қилувчи ҳамда улар томонидан ўткир тиғли ва инсон ҳаётига хавф етказиши мумкин бўлган буюмларни олиб юришни тақиқлашга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган (ушбу қарор матни «Тошкент оқшоми» ва «Вечерный Ташкент» газеталарида 19.02.2015 йилда чоп этилган, шаҳар ҳокимиятининг www.toshkent.uz веб сайтига жойлаштирилган).

Фурсатдан фойдаланиб фарзандларимиз тақдирига бефарқ бўлмаган барча ҳамшаҳарларимизни ушбу қарор ижроси билан боғлиқ вазифаларни биргаликда, бир ёқадан бош чиқариб, чуқур масъулиятни англаган ҳолда бажаришга чақирамиз. Зеро, вояга етмаган ҳуқуқбузар томонидан содир этилган ҳар қандай жиноят замирида унинг шахсий хулқ-атвори эмас, балки бу ёшнинг тарбиясига масъул бўлган ота-она, қўни-қўшни, маҳалла-кўйдан тортиб, барча таълим-тарбия муассасалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъулиятсизлиги ётибди десак, ўринли бўлади.

Таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг асосий қисми 16-17 ёшдагилар ҳиссасига тўғри келмоқда. Демак, ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида таҳсил олаётган ёшларимизга кўпроқ эътибор қаратишни кечиктириб бўлмайдиган вазифа сифатида эътироф этиш лозим.

Бу борадаги бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири ёш авлод вакилларига таълим-тарбия бериш тизимини такомиллаштиришдан иборат бўлиб, уларни оғишмай давом эттириш керак. Таълим-тарбия жараёнида болаларимизга кенг дунёқараш ва чуқур билим бериш баробарида, уларнинг эркин ва мустақил фикрга эга ҳолда камол топишига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Таълим муассасаларида эскидан қолган мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаётгани ҳам таълим самарадорлигига эришишга кўмаклашмоқда. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун кутубхоналар фондини бойитиш, янги адабиётлар билан таъминлаш, маданият саройлари фаолиятини такомиллаштириш зарур. Таҳлиллар жараёнида, вояга етмаганлар ҳуқуқи бўйича замонавий адабиётларнинг камлиги, шу соҳада ишлаётган ходимларнинг билим ва малакасини доимий равишда ошириб бориш зарурлиги ҳам аён бўлмоқда.

Бундан ташқари, вояга етмаганлар масаласи билан шуғулланиб келаётган маҳаллий ҳокимиятлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот идоралари билан ҳамкорликда интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахту саодати, фазлу камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди», деган эдилар.

Дарҳақиқат, ўзбек заминида яшаётган ҳар бир фуқаро фарзандининг иқболи йўлида ҳатто ўз ҳаётини ҳам аямайди. Халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаётмамот масаласи сифатида эътибор қаратишга ундаб турмоғи шарт.

Ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб етишиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан бирга барча давлат ва жамоат ташкилотлари, она юрт келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир. Истагимиз, ушбу эзгу ният ҳар бир юртдошимизнинг юксак инсоний ва фуқаролик бурчига айлансин.

М.МИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
З.ИБРАГИМОВ,
юридик фанлари доктори

Ўлкамизда Наврўз нафаси



КЎКЛАМ БИЛАН КЎРИШГАН ЮРТ

Кўклам ойининг кўркам фаслида нишонланаётган байрамлар шукуҳи дилларга ўзгача завқ-шавқ, ҳузур ва ҳаловат, кўтаринки кайфият бағишлайди.

Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳам миллий ва умумбашарий қадриятларни қадрлашга ўргатиш, анъаналаримизни янада юксакка кўтариш мақсадида байрам тадбирларини ўтказиб боришни режалаштирди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев шундай дейди: «Наврўз ўз бағрида инсонийликни, меҳру оқибатни, саховат ва мурувватни, янгиланиш, яшариш ва эзгуликлар мужассам топган, миллий ва муқаддас урф-одатлар жамланган қутлуғ байрамдир. Халқимиз Наврўзни ўзгача бир муродбахш кун сифатида кутиб олади ва бир ой давомида узлуксиз нишонлайди. Бизнинг уюшмамизда ҳам Наврўзи олам ўзига хос қадриятларни мужассамлаштирган ҳолда нишонланади. Қалби жўшқин, иқтидорли бастакорларимиз байрамга атаб янги куй ва қўшиқларни яратдилар.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз бастакорлари бу йилги Наврўз байрамига алоҳида тайёргарлик кўрдилар. Улар томонидан яратилган куй ва қўшиқлар навоси байрам кунларида Ўзбекистонимиз сарҳадлари узра баралла янграйди.

Шундай дилнаво мусиқалардан Р.Абдуллаев басталаган «Баҳорим келди», «Баҳор», «Обод манзиллар», Б.Лутфуллаев ижодига мансуб «Наврўз кунлари», «Ўзбекистон Наврўзи», «Ассалом Наврўз», «Ватан фасллари», А.Маллабоев мусиқаси билан «Кўклам билан кўришган юрт», «Меҳр-муҳаббат», Ҳ.Раҳимов куйи билан янграйдиган «Тошкент фасллари», М.Ҳусанов ижросидаги «Бугун Наврўз» каби наволар байрамга бағишланган энг сара куй ва қўшиқлар гулдастаси деб топилди ва байрам тантаналарига тақдим этилди.

Шунингдек, Ш.Зокиров, Х.Ҳасанова, Д.Омонуллаева, А.Расулов, О.Абдуллаева каби бастакорларнинг янги куй ва қўшиқлари ҳам байрамга муносиб туҳфа бўлади.

Мазкур дилрабо қўшиқлар Муяссар Раззоқова, Роҳила Рўзиева, Гулсанам Мамазоитова, Озодбек Назарбеков, Алишер Файз, Улуғбек Раҳматуллаев, Дилдора Ниёзметова, Жасур Умиров каби жуда кўплаб халқимиз суйган хонандалар ижросида янграйди.

Дарҳақиқат, Наврўзи олам тантаналарига бағишлаб яратилаётган янги куй ва қўшиқлар бастакорларимиз ва қўшиқчиларимиз ижодининг бетакрор намуналаридир.

Зеро, эзгулик ва яхшиликни, саховатни тарғиб қиладиган янгиланиш ва яшариш байрами наволари дилларга янада кўтаринкилик ва ором бағишлайди.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА







СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг асосий фаолият йўналишларидан бири, бу – ёшлар орасида жисмоний баркамолликни тарғиб қилиш, спортнинг оммавий ва миллий турлари, халқ ўйинларини ривожлантиришга кўмаклашиш, мусобақа ва турнирлар ўтказишдан иборат.

Мазкур йўналишдаги фаолият Ҳаракат тизимлари томонидан ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида амалга оширилаётган турли лойиҳалар, спортнинг оммавий турлари бўйича ўтказилаётган мусобақа ва турнирларда ўз аксини топаётганини таъкидлаш жоиз.

Юнусобод туманидаги 206-сонли умумтаълим мактабида ташкил этилган «Саломатлик ва гўзаллик тимсоли» номли спортнинг бадиий гимнастика тури бўйича спорт мусобақаси ҳам шулар жумласидандир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юнусобод туман Кенгаши ҳамда туман Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мусобақада 40 нафар ўсмир-қиз қатнашди.

— Мен спортнинг бадиий гимнастика тури билан 2 йилдан бери шуғулланиб келмоқдаман, — дейди Руҳшона Фарруҳонова. — Мусобақада биринчи ўринни қўлга киритдим. Келажакда чемпион бўлишни орзу қиламан.

Ёш авлоднинг соғлом бўлиб вояга етиши учун спортнинг аҳамияти катта. Шуни эътиборга олган ҳолда болалар спортини ривожлантириш мақсадида болалар ва ўсмирлар учун спорт мусобақалари ўтказилиб келинмоқда. Албатта, бу каби мусобақалар спорт саломатлик гарови эканлигини тарғиб этишга хизмат қилмоқда.

Зарина РУСТАМОВА

РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгашининг «2014 йил сарҳисоби ва 2015 йилдаги истиқболли режалар» мавзусида йил якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Туманда жойлашган ўрта махсус ўқув юртлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари, сардорлар иштирок этган тадбир 2014 йил якунлари сарҳисоби ҳамда 2015 йилдаги вазифаларни белгилаш мақсадида ташкил этилди.

Кенгаш раиси Баҳодир Зиёвиддинов 2014 йилда «Камолот» ЁИҲ туман Кенгаши томонидан ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботи билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди. Жумладан ўтган йилда туман Кенгаши томонидан анъанавий «Камолот» шахмат тахтаси», «Камолот-тур» веломарафони, «Камолот» кубоги» футбол, спортнинг стол тенниси бўйича «Камолот» маликаси» мусобақалари, «Камалак юлдузлари», «Юрт келажаги», «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз» лойиҳалари, ёшлар фестиваллари юқори савияда ташкил этилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққан туман Кенгашининг бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Бегзод Каримов туман Кенгаши томонидан ташкил этилган янги лойиҳалар тўғрисида тўхталиб, вояга етмаган ёшлар учун мўлжалланган «Мерган – 2014», «Камолот» оқшоми», «Нафосат маликалари», «Иқтидор – 2014», «Имкон шоу», «Соз ва сўз сеҳри», «Хонатлас куни», «Уяли телефон воситаларисиз бир кун», «Тўрт фасл нишонаси» каби лойиҳаларнинг айнан Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан татбиқ этилишининг қувонарли ҳол эканлигини таъкидлади.

Йиғилиш давомида тумандаги 4 та академик лицей ва 13 та касб-ҳунар коллежлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчилари ўзларининг таълим муассасаларида ўтган йил давомида олиб борган ишлари юзасидан тақдимотлари билан иштирок этишди.

Бошланғич ташкилот етакчилари ўз тақдимотларида таълим муассасасининг ички имкониятлари ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширган янги лойиҳа ва тадбирлари ҳаракат аъзолари томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинганлигини таъкидлашиб, ташкил этилган тадбирларда ўқувчи-ёшларнинг ихтиёрий иштирокларини юқори баҳолашди. Айниқса таълим муассасаларида ташкил этилган «Адолат» қутилари ва «Мунозара» дебат клублари фаолияти янада жонланганлигини алоҳида эътироф этишди.

Йиғилиш давомида намунали фаолият олиб борган бошланғич ташкилот етакчиларига туман Кенгаши томонидан миннатдорчилик билдирилди. Тадбир давомида таълим муассасалари «Камолот» сардорлари сўзга чиқиб, 2015 йилда Сардорлар Кенгаши томонидан амалга оширилиши режалаштирилган туркум тадбирлар режаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништириб ўтишди.

Учрашув якунида «Камолот» ёшлар ижтимой ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши томонидан 2015 йил «Бошланғич ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш йили» деб эълон қилинди.

Зиёда РАСУЛОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва корхона ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва корхона фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «Ишонч телефони» тизими жорий этилди.

Ишонч телефони рақами: 239-35-21.

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Agro sanoat mulk markazi» МЧЖда 2015 йил 21 апрель куни соат 11:00 да бошланғич нархи ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда: I. Бектемир туман СИБ томонидан, 2014 йил 20 октябрь кунги 1-547-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олтин топган кўчаси, 40-уйда сақланаётган: 1. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 766 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 2. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 767NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 3. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 768NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 4. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 773NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 5. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 775 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 6. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 776 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 7. 1998 йилда и/ч дав.бел. 01 779 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 8. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 782 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 9. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 785 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. 10. 1998 йилда и/ч дав. бел. 01 839 NAA бўлган «Мерседес Бенц» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 65 000 000 сўм. II. Миробод туман СИБ томонидан, 2013 йил 11 октябрь кунги 10838/9-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 028 FBA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 949 000 сўм. III. Яшнобод туман СИБ томонидан, 2014 йил 10 октябрь кунги 1-608/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 Y 082 FA бўлган «Матиз бест» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 21 785 155 сўм. IV. Чилонзор туман СИБ томонидан, 2014 йил 11 декабрь кунги 57945/17-сонли ижро варақасига асосан хатланган «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 502 OCA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 73 000 000 сўм.

2015 йил 2 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги мол-мулклар такроран қўйилмоқда: I. Мирзо Улуғбек туман СИБ томонидан 2014 йил 24 март кунги 1-12/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган: 1. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 126 NBA бўлган «Каптива» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 2. 2010 йилда и/ч дав.бел. 01 075 ZAA бўлган «Audi S5 Coupe 4.2» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 266 452 200 сўм. 7. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 337DAA бўлган «Lexus LS460L» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 205 200 000 сўм. 8. 2009 йилда и/ч дав. бел. 01 763TAA бўлган «Эпика» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 52 250 000 сўм. 9. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 U 010 EA бўлган «Мерседес Бенц S400L» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 256 500 000 сўм. 10. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 B 432 HA бўлган «Audi A8L Quatro» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 213 750 000 сўм. 11. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 N 557 JA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 42 560 000 сўм. 12. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 470 NBA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 43 605 000 сўм. 13. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 438 NBA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 799 145 сўм. 14. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 544 NBA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 15. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 439 NBA бўлган «Ласетти» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 41 800 000 сўм. 16. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 856 LAA бўлган «Hyundai H-100» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 51 300 000 сўм. 17. 2010 йилда и/ч дав. бел. 01 870 BBA бўлган «Hyundai H-1 GLS» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 950 000 сўм. 18. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 906 DAA бўлган «Лада11184-114-30» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 19. 1999 йилда и/ч дав. бел. 01 905 DAA бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 16 340 000 сўм. 20. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 275 EAA бўлган «АГБСНГГАЗ330200-1414-21» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 38 000 000 сўм. 21. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 920 DAA бўлган «Ваз11183-110-20» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 475 000 сўм. 22. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 921 DAA бўлган «Лада11193-110-20» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 950 000 сўм. 23. 2007 йилда и/ч дав. бел. 01 913 DAA бўлган «Ваз21041-182-20» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 17 955 000 сўм. 24. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 922 DAA бўлган «Лада11183-110-20» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 18 525 000 сўм. 25. 2008 йилда и/ч дав. бел. 01 908 DAA бўлган «Лада11174-110-80» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 26. 2006 йилда и/ч дав. бел. 01 911 DAA бўлган «Ваз 21104» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 19 000 000 сўм. 27. 1956 йилда и/ч дав.бел. 01 056 TAA бўлган «ЗИМ-12» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 13 084 129 сўм. 28. 1969 йилда и/ч дав. бел. 01 069 TAA бўлган «Опель Адмирал» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 8 016 131 сўм. 29. 2011 йилда и/ч дав. бел. 01 061 WBA бўлган «Isuzu NQR 71 PL» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 76 000 000 сўм. 30. 1941 йилда и/ч дав. бел. 01 041 MAA бўлган «Гономак» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 9 221 240 сўм. 31. 1943 йилда и/ч дав. бел. 01 043 MAA бўлган «Крайслер» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 3 415 274 сўм. II. Сергели туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 29 октябрь кунги 1-803/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Space Arsenal Service» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 1978 йилда и/ч дав. бел. 01 O 347 JA бўлган «Ваз 21011 СПГ» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 4 233 930 сўм. 33. 2014 йил 20 июнь кунги 10-1410/7618-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сергели тумани СИБ ҳудудида сақланаётган, 2009 йилда и/ч дав. бел. 10 M 000147 бўлган «Дамас» русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи 34 600 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимларининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич нархининг 10% дан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Agro sanoat mulk markazi» МЧЖнинг «Капиталбанк» АТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР: 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел: 250-83-29. *Гувоҳнома: 006388.*

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси хузуридаги «Ижод» жамоат фонди уюшма буюртмаси асосида ёш ижодкорларнинг «Биринчи китобим» йўналиши бўйича қуйидаги асарларни чоп этиш юзасидан нашриётлар ўртасида
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Ҳар бирининг ҳажми 32 бет, бичими 70X90 $^{1}/_{32}$ тиражи 20 000 дона, муқоваси 170 гр/м² қалинликдаги ялтироқ силлиқ (УФ лакланган) қоғоз, матни 70 гр/м² офсет қоғози, муқоваси 4+0 рангда ва матни 1+1 рангда бўлган **3 (уч) номдаги китоб.**
2. Ҳар бирининг ҳажми 48 бет, бичими 70X90 $^{1}/_{32}$ тиражи 20 000 дона, муқоваси 170 гр/м² қалинликдаги ялтироқ силлиқ (УФ лакланган) қоғоз, матни 70 гр/м² офсет қоғози, муқоваси 4+0 рангда ва матни 1+1 рангда бўлган **6 (олти) номдаги китоб.**
3. Ҳажми 64 бет, бичими 70X90 $^{1}/_{32}$ тиражи 20 000 дона, муқоваси 170 гр/м² қалинликдаги ялтироқ силлиқ (УФ лакланган) қоғоз, матни 70 гр/м² офсет қоғози, муқоваси 4+0 рангда ва матни 1+1 рангда бўлган **1 (бир) номдаги китоб.**

Танловга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

— босмахона хизматини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия (рухсатнома) нусхаси;
— картотека қарздорлиги тўғрисида банк муассасаси маълумотномаси;
— нархларни асословчи смета ҳисоб-китоблари;
— танловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза (эркин шаклда).

Ҳужжатлар жорий йилнинг 26 мартига қадар Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси 16^А-уйда қабул қилинади.

Мурожаат учун телефонлар: 239-27-88, 239-27-84; факс 245-66-95.

KONDOR PRINT масъулияти чекланган жамияти (МЧЖ) INN 207 162 065 жамият устав фондининг 100 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга қисқартирилганлиги ҳақида маълум қилади.

Даъволар эълон чоп қилинган кундан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 4-уй.

Тел: 99890 906-95-38.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***18 март*** *куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3, кундузи — 16-18 даража иллиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***18 мартда*** *Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 355

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 15.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ